



Кумул кўзғолони



Мен Гулжага келган кунларимда Кумул воқеаси янгидан бошланиб, халқ ўртасида ҳар турлиқ шов-шув сўзлар кўпаймиш экан. Кумул эса тахминан Урумчидан беш кунлик шарқ томонда бўлиб, эски бир тарихий шаҳардир. Бунинг яшаётган ярим кўчманчи ерлик халқлари эса Кумул ҳокими Бонг хўжамнинг молчиларидур. Эшитишимизча, хўжамнинг юз мингдан ортиқ ҳар уруғ чорва моллари буларнинг қўлларида боқилмоқда экан. Бутун тоғлиқлар ота-боболаридан тортиб, бу кишининг чорва моллари устидан бокмачилиқ билан кун кечирмақда эканлар.

“Вонг” демак хитой тилида “кенгашчи”, “маслахатчи” мазмунида бўлиб, баъзи бир кишиларга хонлар томонидан гўллаб берилган оти улуг, супраси курук мансабдур. Бу томонда Гулжа, Кучо(р) вонглари машҳур бўлса-да, булардан бошқа шаҳарларда ҳам бу курук унвонга эга бўлган кишилар бордирлар. Карл Маркс чиқарган коммунизммаслаги маданият тараккиётининг ажралмас натижаси деганлигидан, бу адашган ҳасадхўрнинг сўзига кўрларча эргашган коммунистлар, айникса, буларнинг “Каъба”си - Совет Русияси Шарқий Туркистон халқига, балки бутун Хитой мамлакатига қайси йўсинлик бўлса ҳам бу маслакни киргизмоқчи эдилар. Ўз шиорларида бутун дунёда эзилган халқларга ёрдам берамиз, деб жар чакирган бўлсалар ҳам, аслида бу мазлум Шарқий Туркистон

2 / 4

бу ерларда бошқаларга кўра тезроқ ривожланмокда эди. Аслида, Урумчи совет элчихонасидан илхом олган Кумул кўзголониға, ерли мусулмонлар ичида тезроқ тарқалиши учун, бу маккорлар томонидан диний тус берилмиш эди. Ислон йўлида жонқурбон бўлган бечора мусулмонлар бошқага тушунмасалар ҳам бу кўзголончиларни Ислон учун чиққан гозийлар ўхшайди деб, хар ерда бош кўтариб, уларга кўшилгани турдилар. Бунинг устига Шаркий Туркистонни босиб турган мустабид жонгжунг(Жонгжунг - эски Хитой ҳукуматида волий, ганерал-губернатор.) бутун идора, сиёсий, иктисодий, айникса, аскарий ишларида хон замонидан колган эски усул кўлланганликдан ўз каршисига кўйилган совет консулхонаси ракибларидан хар тўғрилиқ енгилмиш эди, Шундоқки, кўзголончиларга карши кўллангудек куроли йўқлигидан кўшнилик кадрили орага солиб, ўз душманидан курол сўрагач, иш пайти келди деб дархол бир канча курол-яроғ топширмишдир. Жонгжунг бу куролларни олти от аравага юклатиб, кўзголончиларга карши кўйилган Кумулдаги хитой аскарларига юбормишдур. Бунинг хабари аллақачон у ёкка берилиб, керакли чораси кўрилмиш экандир. Кўзголончилар мерганларидан пистирма кўйилган тоғ кисигига аравалар келганда икки томондан ёкка тутиб, хитой аскарларини колдирмай кириб, бутун куролни кўлга туширган эдилар. Хеч кутилмаган уларнинг бундай галаба козонишлари эса кўзголончиларнинг кучайишига сабаб бўлиб, Хитой ҳукуматини каттик ташвишга туширди. Шунинг учун бурун совет билан уришиб кочиб ўтган чор Русия генералларидан Дутов, Анненковлардан колган ок ўрислардан аскар тузиб, шулар орқалик кўзголончиларни бостирмокчи бўлди. Хитойларнинг ҳам бу килган ишлари ўзлари учун фойда бермади.

Чунки, совет консулхонаси томонидан илгаридан бу ишларнинг олди олиниб, керакли чоралари кўрилмиш эди. Балки бу ўрис аскарлари атрофдаги тинч ётган мусулмонларга йўқ бахоналар билан кўп зиёнлар еткиздилар. Буларнинг шу каби тесқари харакатда бўлишлари эса консулхона томонидан илгарирок уюштирилиб, бунинг натижаси кутилмокда. Бу ҳақда кўлланилган сиёсатлари тўғри чиққанликдан тушунган-тушунмаган ерлик мусулмонлар, бу ишнинг орти нима бўлиши билан ишлари йўқ, Хитойга карши хар ердан бош кўтаргани турдилар. Айникса, Урумчидан уч-тўрт кунлик от юришида шарки-жанубдаги Кў(х) ва Турфон, Қорағужа, Асқоб қахф мусулмонлари орасида Хитойга каршилиқ ишлари ортикча кизгинлашмокда эди.

Жонгжунг ҳукуматининг идора ишлари эса хон даври колдиклари бўлиб, эски чиркин асосга курилганликдан хитой ҳукумат арбоблари хар ёклама замонавий талабларга ожизлиқларини ўз душманларига сездирмиш эдилар.

Сиёсий кўрлик натижасидурким, совет консулининг маслаҳати билан японлардан Манжурия орқалик кочиб ўтган йигирма-ўттиз минг хитой аскарлари билан Шин(г) дубан(Ҳоким, волий (хитойча).) деган генерални келтириб, жонгжунг ҳукумати ўз аскарларига бош кўмондон килди. Бундан.совет ҳукумати икки мақсадни ўз олдиға кўйди: Биринчи - бу аскарлар билан ерлик кўзголончиларни бостириш, уларнинг ўз ҳукуматларига эришишлиқларига йўл кўймаслик. Иккинчи - ерлик кўзголончиларни бостиргандан сўнгра жонгжунг ҳукуматини ҳам йўқ килиш. Шаркий Туркистон эса ҳақиқатда Хитойнинг мустамлақаси бўлиб, бу маълум халқларнинг тақдири учун чор Русияси қандай сиёсат тутган бўлса, совет Русияси ҳам шундай сиёсат тутди. Уларнинг ўз ҳаққоний ҳуқуқлари учун килган курашларига ёрдам бериш у ёкда турсин, аксинча, уларни бостиришда Хитой ҳукуматига ёрдам бериб келди.

Жонгжунг ҳукуматига Шинг дубаннинг бош кўмондон бўлиб келиши Масковнинг плани

билан бўлгани учун шу кундан бошлаб жонгжунг ҳукумати ўлим тахтасига-тортилиб кўмилишга тайёрланмиш эди. Шинг дубан Урумчига келиб, ўзига тегишли ишларни кўлга олгач, 1932 йили совет ҳукумати йигирма мингдан ортиқ хитой хунгуз(“Кизил сокол” демакдир (хитойча), асл маъноси карокчи, қуролли бандит.)ни ўтказиб, Шинг дубан қарамоғига топширди. Бу мақкор хитой Урумчи совет консулхонасидан илҳомланиб, бир ёқдан кўзголоничиларга қарши ҳаракат кўрсатган бўлса ҳам, асосий топширик жонгжунг ҳукумати туб-томири билан ағдариб ташлаш, ўрнига Хитой раҳбарлигида яширин Кизил Уйғуристон қурмокчи эди. Шунга кўра икки томонлама иш кўрсатиб, ҳукумат маркази атрофида яширин инқилобий сиёсат юргизган бўлса, казачий рислўар аралаш хитой қочокларидан қучлик қўшин тузиб, сурбетларча кўзголоничиларга қарши юборди. Лекин булар бўлаётган шу ишнинг туб негизини халққа тушунтириш ўрнига, хитой аскарлари, айниқса, оқлардан тузилган ўрис аскарлари гуноҳсиз халқни кириб, уларга қаттиқ жабр-зулм кўрсатгали турди.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон қайғуси" китобидан